



1998 йил Москва шахрининг бош санитар врачлари АКШ дан келтирилаётган товук окорочкаларнинг импортини таъкиклади. Хитой ҳукумати инсон соғлигига зарарли бўлганлиги боис 2002 йилда океан ортидан келтирилган 24.4 тонна окорочкаларни йўқ қилган эди. Бир оз муддатдан сўнг Хитойда ушбу модификациялик гўшт маҳсулотларини четдан келтирилиши таъкикланди. Украина маҳаллий ветеринарлари 2002 йилнинг январидан бошлаб АКШ дан келтирилаётган гўшт маҳсулотлари импортини таъкиклади.

Океан ортидан келтирилаётган гўшт маҳсулотлари хақидаги Европа ва Украина экспертлари хулосасининг қисқача мазмуни шундай. Окорочка бўлишга маҳкум этилган барча жўжалар қисқа ҳаёти давомида касалланиб гўштга топширилишдан илгари жон таслим қилмасликлари учун антибиотикларни тинимсиз укол қилиб борилади ва тез семиришлари учун гармонлар билан боқилади. Хўш бунинг нимаси ёмон деб сўрашингиз мумкин. Гап шундаки, бундай товук гўштини қўплаб танавул қилиш орқали, унинг хужайраларида мавжуд бўлган антибиотикларни ҳам баб-баробар танавул қиласиз. Маълум бир вақтдан сўнг эса жисмингизда ҳар қандай антибиотикларга қарши “ажойиб иммунитет” ҳосил бўлади. Худо қўрсатмасин, касал бўлиб қолсангиз дори ичаверасиз-у ҳеч таъсир қилмайди. Буни "окорочка юрти" - америкалик врачлар ҳам тан олишган эди.